

# Шаҳарсозлик ҳужжатлари тўлиқ бўлмаган қурилишлар ўрганилмоқда

Аслиддин ГҲИЛИЕВ, Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бўлим бошлиғи.

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ишчи гуруҳи томонидан ҳудудларда олиб борилаётган қурилиш ишларининг қонунийлигини ўрганиш бўйича мониторинг ишлари давом этмоқда. Навбатдаги мониторинг давомида Самарқанд шаҳридаги шаҳарсозлик ҳужжатлари тўлиқ расмийлаштирилмаган бир қатор объектлар ўрганилди.

Хусусан, Фарход кўчаси 2-манзилда фуқаро И. Хасанов томонидан қурилаётган бино, Гагарин кўчаси 36-манзилда "STROY DOM SIYOB" МЧЖ томонидан қурилаётган кўп қаватли турар жой биноси, Спитаменшоҳ кўчаси 264-манзилда "PRESTIGE LIGHT HOUSE" МЧЖ томонидан барпо этилаётган кўп қаватли турар жой биноси, Богдад кўчаси 26-манзилда "SAMARQAND OXYGEN SERVICE" МЧЖ томонидан қад ростлаётган кўп қаватли турар жой биноси, Спитаменшоҳ кўчаси ҳудудида фуқаро Ҳ. Абдуллаев томонидан қурилаётган меҳмонхона, М-37 магистрал автомобил йўли ёқасида "TOLIB BOBO AKT" ва "Matlubov Boulding" МЧЖлар томонидан қурилаётган кўп қаватли турар жой бинолари ана шундай объектлар сирасига қиради.

Бундан ташқари, Қорасув массивида "Sam Texno Stroy Invest" МЧЖ, "Binokor-C" МЧЖ, "Sam Ros Stroy" МЧЖ томонидан барпо этилаётган кўп қаватли турар жой бинолари, Илгор кўчаси 25-манзилда "Riviera INVEST XXX" МЧЖ томонидан қурилаётган турар жой бинолари ҳудудий назорат қилиш инспекциясидан рўйхатдан ўтмасдан амалга оширилаётганлиги аниқланди.



"Riviera INVEST XXX" МЧЖ томонидан ушбу объектида қурилиш ишлари ўзбошимчилик билан олиб борилаётганлиги сабабли инспекция ходимлари жорий йилнинг март ва май ойларида оғохлантириш хати ҳамда шу йилнинг 27 июлида қурилишни тўхтатиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар берилган. Шунга қарамадан қурилиш ишларини давом эттирганлиги сабабли МЧЖ раҳбари "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодекснинг 99-моддаси 7-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилган.

Ишчи гуруҳ ушбу объектида қурилиш ишларининг сифатини ўрганганда, қурувчи томонидан қатор қоидабузарликларга йўл қўйилгани аниқланди. Хусусан, ора ёпма темир-бетон плиталар монтаж қилинганда оралик масофаси лойиҳада 14 см қолдирилиши кўрсатилган, бироқ жойида 5 см масофа қолдирилган. Периметрлар лойиҳада кўрсатилган талаблар асосида бажарилмаган ва коррозияга, яъни занглашга қарши бўлмаган. Қурилиш матери-

алларини сақлаш учун махсус омборхоналар ташкил қилинмагани оқибатида арматуралар коррозияга учрамоқда, яъни занглашни бошлаган. Пардадеворларда терилган газоблокларнинг вертикал ва горизонтал чоклари қоришма билан тўлиқ тўлдирилмаган, арматураларнинг антисейсмик камарлар иши лойиҳа асосида бажарилмаган. Шунингдек, объектида олиб келинган плиталарнинг сифати ўрганилганда, белгиланган талабларга жавоб бермаслиги аниқланди, заводга қайтариб юборилди.

Юқоридаги қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан инспекция мутахассислари томонидан фуқаро ва тадбиркорларга тегишли кўрсатмалар берилиб, шаҳарсозлик ҳужжатларини тўлиқ расмийлаштириш ва рўйхатдан ўтиши тушунтирилди. Рўйхатдан ўтгунга қадар объектларда қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиш бўйича ёзма кўрсатмалар берилди.

Бу каби мониторинг ишлари вилоятимизнинг барча ҳудудларида мунтазам ўтказиб келинмоқда.

## Назорат – сифатга кафолат



Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Албатта, қурилишда назорат катта аҳамиятга эга. Назорат орқалигина қурилиш сифатига эришиш мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси инспекторлари ҳамда қурилиш-синов лабораторияси мутахассислари томонидан бир қатор қурилиш объектларида мониторинг ишлари олиб борилмоқда. Мониторинг натижасида "Янги Ўзбекистон" массивларида ҳам олиб борилаётган қурилиш ишларида бир қатор камчиликлар аниқланди.

Хусусан, Кегайли туманидаги "Ақтуба" ОФЙ "Янги Ўзбекистон" массивида "Нукус конструкция қурилиш" МЧЖ томонидан қурилиш ишлари олиб борилаётган 5 қаватдан иборат турар жой объектининг иккинчи қаватида ажратиб турувчи деворлар (перегорodka) мустаҳкамлигини ошириш учун ўрнатилмаган металл сым сеткалар ўрнатилмагани, деворларнинг 8 квадрат метр жойидаги гиштинг сифатсиз терилгани аниқланди.

Шунингдек, Беруний туманининг "Наврўз" МФЙ ҳудудидаги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси буюртмачилигида "Бунёдкор Қорақалпоғистон" МЧЖ томонидан қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётган 24-сонли мактабга таълим муассасаси биносидаги капитал таъмирлаш жараёнида ҳам қатор камчиликлар борлиги аниқланди. Жумладан, бино ва қурилмаларнинг сейсмик хавфсизлигига таъсир қилувчи, шунингдек, конструктив қоидабузарликлар, тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари талаблари бузилгани, тенсовий навес жойида гиштинг сифатсиз терилгани аниқланди.

Аниқланган барча камчиликларни тез орада бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берилиб, унинг ижроси назоратга олинди. Мониторинг ишлари давом этмоқда.

## Чегарачиларга янги уйлар топширилди

Азиз МАШРАБОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Музработ туманида Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмларнинг бирида сарҳадларимиз посбонлари учун барча қулайликка эга янги уйларни фойдаланишга топшириш маросими бўлиб ўтди.



Сурхондарё вилоят ва туман секторлар раҳбарлари, чегарачилар, ҳарбий пенсионерлар, нурунийлар, ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари иштирок этган тантанали тадбирда мамлакатимиз Куролли кучларида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида гапирилди.

Ватанимиз чегараларининг мард, жасур посбонлари учун 9 миллиард 500 миллион сўм маблағ эвазига қурилган 27 оилга мўлжалланган уч қаватли турар жой биноси ва бешта бир қаватли коттеж уйларида барча замонавий шароит яратилган. Ҳарбий хизматчилар оилаларининг бандлигини таъминлаш учун тикувчилик цехи ҳам барпо этилган. Бундай эътибор нафақат ҳарбий хизматчилар, балки уларнинг оила аъзолари қалбига ҳам фахр-ифтихор туйғусини янада юксалтирди.

– Кўп қаватли уйда барча шароит яратилган, – деди янги хонадонлардан бирининг бекаси Маҳфуза Абдураимова. – Хоналар кенг, шинам. Зарур буюмлар билан жиҳозланган. Ҳарбий хизматчилар оиласининг бундай қулайликларга эга хонадонда яшаш уларнинг оила аъзоларидан кўнгли хотиржам ўз вазифасини янада самарали бажаришида муҳим омил бўлади. Тикувчилик цехи эса вақтинча ишсиз оила аъзоларининг бандлигини таъминлаб, рўзгорига қўшимча даромад олиб келади. Биз, ҳарбийларнинг оиласига кўрсатилаётган ғамхўрликлар учун давлатимиздан беҳад миннатдоримиз.

Маросимда вилоят ҳокими, ҳарбий-маъмурий сектор раҳбари Улуғбек Қосимов ҳам қатнашиб, чегарачилар ва уларнинг оила аъзоларига янги хонадонларнинг қалитларини тантанали равишда топширди.

## “СЛУЖБА ЗАКАЗЧИКА В СФЕРЕ СТРОИТЕЛЬСТВА” ФЕРГАНСКОГО ОБЛАСТНОГО ХОКИМИЯТА

ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕРНЫЕ ТОРГИ!

Правительство Республики Узбекистан получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта “Развитие сельской инфраструктуры” и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:

№ п/п	Номер контракта	Наименование объекта	Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы (сум без НДС)	Срок строительства (календарных дней)	Залоговое обеспечение в виде Банковской гарантии (сум)
1.	MOEI-RIDP-FER-54	Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта махаллинского схода граждан (МСГ) “Каттаболтакул” Куштепинского района Ферганской области	2 103 562 254	90	42 071 245
2.	MOEI-RIDP-FER-55	Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта махаллинского схода граждан (МСГ) “Кизиларык” Куштепинского района Ферганской области	3 998 443 267	120	79 968 865
3.	MOEI-RIDP-FER-56	Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта махаллинского схода граждан (МСГ) “Калдушон” Фуркатского района Ферганской области	4 955 569 134	120	99 111 383

По объектам, ранее опубликованным в газете “O'zbekiston bunyodkori” за № 88-89 от 17 октября 2023 года, внесены изменения относительно сметной стоимости.

Список данных объектов и обновленная сметная стоимость представлены в таблице ниже:

№ п/п	Номер контракта	Наименование объекта	Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы (сум без НДС)	Срок строительства (календарных дней)	Залоговое обеспечение в виде Банковской гарантии (сум)
1.	MOEI-RIDP-FER-30	Асфальтирование внутренних дорог 5-й категории в МСГ “Намуна” Куштепинского района Ферганской области	1 606 825 810	90	32 136 516
2.	MOEI-RIDP-FER-32	Капитальный ремонт систем электроснабжения населенного пункта махаллинского схода граждан (МСГ) “Борот” Куштепинского района Ферганской области	1 269 275 546	90	25 385 511
3.	MOEI-RIDP-FER-37	Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта махаллинского схода граждан (МСГ) “Иулдошобод” Куштепинского района Ферганской области	1 202 641 703	90	24 052 834
4.	MOEI-RIDP-FER-38	Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта махаллинского схода граждан (МСГ) “Кайрагоч” Куштепинского района Ферганской области	855 740 138	90	17 114 803
5.	MOEI-RIDP-FER-41	Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта махаллинского схода граждан (МСГ) “Истиклол” Язьяванского района Ферганской области	1 448 001 188	90	28 960 024
6.	MOEI-RIDP-FER-42	Асфальтирование внутренних дорог 5-й категории МСГ “Корасой” Язьяванского района Ферганской области	999 129 596	90	19 982 592
7.	MOEI-RIDP-FER-48	Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта махаллинского схода граждан (МСГ) “Чекуприк” Фуркатского района Ферганской области	1 748 862 879	90	34 977 258

Примечание: Лоты MOEI-RIDP-FER-33 и MOEI-RIDP-FER-46 согласно письму Заказчика временно приостановлены.

## “Служба заказчика в сфере строительства” Ферганского областного хокимията

приглашает подрядчиков принять участие в торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в “Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка” и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

По объектам электроснабжения необходимо наличие лицензии на строительство объектов повышенного риска. (Участник должен продемонстрировать действительную лицензию, дающую право на проведение высоковольтных работ).

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Государственном учреждении “Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства по Ферганской области” и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу.

Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставленной письменной заявке по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет 330 000 сум.

Получатель: ГУ “Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве по Ферганской области”.

Банковские реквизиты: Ферганский филиал “InFinBank” p/c: 2021 0000 2037 6761 8001 ИНН 202 529 457 МФО 01128.

Тендерные предложения должны быть действительными в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением только в виде банковской гарантии по прилагаемой к тендерной документации форме.

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 18:00 (по ташкентскому времени) 23 ноября 2023 г., где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Заподвавшие предложения будут отклонены. Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.

Организация для подачи предложений: Государственное учреждение “Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства по Ферганской области”.

Адрес: Ферганская область, г. Фергана, ул. С. Темура, дом, 111”б”.

Тел.: (99899) 615-68-91, 615-68-92. E-mail: fartender@mail.ru

Ответственный представитель консалтингового центра: М. Содиков.

“Sardor qurilish MAKS” МЧЖ “O'zbekiston bunyodkori” газетасининг 2023 йил 24 октябрдаги 90(743)-сонида чоп этилган эълонда берилган савдолар вақтинча тўхтатилганини маълум қилди.